

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ҚИШЛОҚХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА
ҶАЙТА ИШЛАШДА
НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР”
модули бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ
ВА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
йўналиши**

**“ҚИШЛОҚХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ
САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШДА
НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР”**
модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: **Азизов Актам Шарипович**-“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси” кафедраси доценти

Тақризчилар: **Штерне Дайс** - Латвия аграр университети қишлоқ хўжалиги факультети декани муовини
Журинс Каспарс - Латвия илмий ишлаб чиқариш ва маслаҳат бошқармаси аъзоси
Цване Ивита - Латвия узлуксиз таълим маркази етакчиси

*Ўқув-услубий мажмуа Тош Дау Кенгашиниг 2016 йил _____ даги __-сонли
қарори билан нашрга тавсия қилинган*



LATVIJAS
LAUKSAIMNIECĪBAS
UNIVERSITĀTE
LAUKSAIMNIECĪBAS FAKULTĀTE

Lielā iela 2, Jelgava, LV 3001 Tālr.: 63005679 Fakss: 63005679 e-pasts:
Zinta.Gaile@llu.lv

REVIEW

on training programs to enhance the center and re-training of teaching staff
in "Storage and primary processing of agricultural products"
developed by Tashkent Agrarian University

The course of improvement in the direction of storage and processing of agricultural products allow professional development, improve the competence and acquire new knowledge in this field. The proposed training program for the students of this course covers the following subjects:

1. Innovative technologies for storage and primary processing of agricultural products
2. Modern methods of determining the quality of agricultural products
3. Nanotechnology in storage and primary processing of agricultural products

These disciplines introduced in the process training of teaching staff with experience of leading agricultural universities in foreign countries, particularly Latvia University of Agriculture and meets international curriculum standards. I think that these subjects will allow professional development and improvement of competent advice of experts in the field of agricultural products processing and storage



Dace Sterne

REVIEW

**on training programs to enhance the center and re-training of teaching staff
in "Storage and primary processing of agricultural products"
developed by Tashkent Agrarian University**

The course of improvement in the direction of storage and processing of agricultural products allow professional development, improve the competence and acquire new knowledge in this field. The proposed training program for the students of this course covers the following subjects:

1. Innovative technologies for storage and primary processing of agricultural products
2. Modern methods of determining the quality of agricultural products
3. Nanotechnology in storage and primary processing of agricultural products

These disciplines introduced in the process training of teaching staff with experience of leading agricultural universities in foreign countries, particularly Latvia University of Agriculture and meets international curriculum standards. I think that these subjects will allow professional development and improvement of competent advice of experts in the field of agricultural products processing and storage

LTD Latvian Rural Advisory and Training Centre

Kaspars Zurins



REVIEW

**on training programs to enhance the center and re-training of teaching staff
in "Storage and primary processing of agricultural products"
developed by Tashkent Agrarian University**

The course of improvement in the direction of storage and processing of agricultural products allow professional development, improve the competence and acquire new knowledge in this field. The proposed training program for the students of this course covers the following subjects:

1. Innovative technologies for storage and primary processing of agricultural products
2. Modern methods of determining the quality of agricultural products
3. Nanotechnology in storage and primary processing of agricultural products

These disciplines introduced in the process training of teaching staff with experience of leading agricultural universities in foreign countries, particularly Latvia University of Agriculture and meets international curriculum standards. I think that these subjects will allow professional development and improvement of competent advice of experts in the field of agricultural products processing and storage

Leader of Lifelong Education Centre Ilvita Svane



МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	7
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	21
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТМАТЕРИАЛЛАР.....	44
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	57
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	58
VII. ГЛОССАРИЙ.....	59
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	61

I. ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ

Нанотехнология замонавий технологияларнинг янги йўналиши бўлиб, мақсади қурилмалар ҳажмини максимал даражада кичрайтириш ва ишлиши учун энергия сарфини ўнлаб, айрим ҳолларда, ҳатто, юзлаб маротаба камайтиришдан иборатdir. Бу усул инсоният олдида кўндаланг турган бир қатор долзарб муаммолар, хусусан, глобал иқлим ўзгариши, углеводород ёқилғиси танқислигидан тортиб, бедаво касалликларни даволашгача бўлган кўплаб масалаларнинг ижобий ечимига олиб боради.

Буларнинг барчаси истиқлол йилларида юртимизда илм-фан равнақига қаратилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг амалий натижаларидир. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, биз яшаётган XXI аср интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиласиган аср. Бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб етган, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилган ҳар қайси миллат ва давлатгина жаҳон тараққиёти йўлидан илгарилаши муқаррар.

Озиқ-овқат саноатида, нанотехнология маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, қадоқлашда ва сифатли озиқ-овқат яратиш учун ишлатилади. Масалан, тадқиқотчilar майдага материаллар маҳсус маҳсулот энди хавфсиз овқат учун, деб истеъмолчilar огоҳлантириш учун мўлжалланган билан озиқ-овқатларни яратиш устида иш олиб борилмокда.

Истеъмол қиммати кишиларни озиқлантириш мақсадида ишлаб чиқилади. Маҳсулотларнинг озиқ-овқатлик қиммати унинг кимёвий таркиbidаги озиқ моддалар микдори билан белгиланади. Энергетик қиммати эса уни ҳазм қилингандан кейинги ажralиб чиқарадиган иссиқлик энергияси билан аниқланади. Маҳсулотнинг биологик қимматини унинг кимёвий таркиbidаги оқсилининг қиммати белгилайди.

Нанотехнология билан боғлиқ соқлиқни сақлаш ва тадқиқот соҳасида хавфсизлик, амалга оширилади доирасида лойиҳа бўйича ривожланаётган нанотехнологиес мумкин топиш ҳеч қандай тадқиқот тасири наноматериал бўйича ошқозон-ичак тракти, бўлса-да, уни бўлади устувор вазифа учун озиқ-овқат саноати.

Нанотехнологияларни қўллашнинг асосий мақсадларидан бири бу, сифатли етиштирилган маҳсулотни ташиб, сақлаш ва қайта ишлаш мобайнида дастлабки хоссаларини йуқотиб сифатсиз маҳсулотга айланиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари.

Таълим мақсади давр билан, ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлиқ. Ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишлар, фаннинг интенсив ривожланиши, таълим модернизацияси, янги дидактик имкониятлар, инсонпарварлаштириш шубҳасиз таълим мақсадини ҳам тубдан ўзгартириди. Таълим мақсадининг тубдан ўзгариши таълим мазмунидаги ўз ифодасини топади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлашда нанотехнологияларни қўллаш билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш технологиялари келтирилган.

Модулни ўқитишидан мақсад – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш жараёнларини мукаммал ўзлаштириш, хом ашёга қўйиладиган тингловчиларни, уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлашнинг замонавий усуллари; бу усулларни амалиётда қўллаш тартиби хақида маълумотларни ўрганишdir.

Модулнинг вазифаси – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаб олинадиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини нанотехнологияларни қўллаш ва уларни истиқболлари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашда ва қайта ишлашда бугунги куннинг энг янги нано материалларнинг қўлланиладиган усулларнинг турлари; ишлаб чиқаришда бу усулларни самарали қўллаш юзасидан кўнилмалар ҳосил қилишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўнилмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда нанотехнологиялар” курсини ўзлаштириш жараёнida амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- нано технология жараёнини тўғри ташкиллаштириш;
- сақлаш жараёнida нано материалларни қўллашда кечадиган ўзгаришлар;
- нано материалларни маҳсулотга таъсир қилувчи омиллари;
- маҳсулот таркибидаги кимёвий моддалар;
- нанотехнологияни маҳсулот сифатига сенсорик баҳо бериш;
- халқаро меъёрлар бўйича янги технология меърлари **хақида билимгаэга бўлиши лозим;**

–қишлоқ хўжалигига нанотехнологияларни қўллаш объектларини танлай олиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифат кўрсаткичи бўйича талабларни;
- нано усулларни баҳолашдаги асосий мзонларни;
- наноматериал турларини аниқлаш;
- нанотехнологияларни қўллашдаги самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш;
- нано усуллардан фойдаланиш ҳақидаги объектив омиллардан фойдаланишмалака ва **кўникмаларини эгаллаши керак**;
- асосланган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежментини қўллаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини баҳолашни тўғри усулларда амалга ошира олиш;
- мева ва сабзавотларни сақлашда нано усулларни танлаш;
- нано технологияларни маҳсулот турига кўра партияларини шакллантира олиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда нанотехнологиялар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда нанотехнологиялар” фани технологик фанлар мажмуасига тааллуқли ҳисобланади. Бу дастурни амалда бажариш учун тингловчилар Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва уларни қайта ишлаш, Биокимё, Маҳсулот сифатига сенсорик баҳо бериш каби фанлардан етарлича маълумотга эга бўлишлари лозим.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мобил иловалар яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					аустакијл таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан		
			жами	назарий	амалий	машғулот		
1	Нанотехнологиялар ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти	6	4	2	2	2	2	
2	Мамлакатимиз халқ хўжалигига нанотехнологияларнинг жорий этилиши ҳолати	6	6	2	4			
3	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки қайта ишлишда нанотехнологиялар	6	6	2	4			
4	Нанотехнологияларнинг озиқ-овқат соҳасида қўллашнинг инсон саломатлигига таъсири	4	4	2	2			
	Жами:	22	20	8	12	2		

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1– мавзу: Нанотехнологиялар ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Нанотехнологиялар тўғрисидаги асосий тушунчалар. Нанотехнология атамасининг фанга кириб келиши.

2– мавзу: Мамлакатимиз халқ хўжалигига нанотехнологияларнинг жорий этилиши ҳолати

Мамлакатимизда нанотехнологияларни ривожлантириш ва уни тезлаштириш бўйича махсус концепция ҳамда стратегиялар.

Ўзбекистондаnanoфан ва нанотехнологиялар тараққиётига энг муҳим устувор вазифалар. Нанотехнологияларнинг моҳияти ва асосий

тамойиллари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашда нанотехнологиялардан фойдаланиш усуллари.

3-мавзу. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашда нанотехнологиялар.

Наноматериалларнинг асосий хусусиятлари. Чорвачилик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлашда нанотехнологияларни қўллаш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлашда нанотехнологияларни қўллаш. Паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик маҳсулотларини сақлашда нанотехнологиялар.

4-мавзу. Нанотехнологияларнинг озиқ-овқат соҳасида қўллашнинг инсон саломатлигига таъсири.

Нанотехнологияларни озиқ-овқат соҳасида қўллашда халқаро меъёрлар (Codex Alimentarius Commission) га амал қилиш. Маҳсулот хусусиятига қараб наноматериалларни танлаш. Наноматериалларнинг маҳсулот таркибидаги органик моддалар (оқсиллар, ёғлар, улеводлар ва нуклиен кислоталар) билан ўзаро таъсири.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1- амалий машғулот: Нанотехнологиялар ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятининг таҳлили

2- амалий машғулот: Мамлакатимиз халқ хўжалигига нанотехнологияларнинг жорий этилиши кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш

3- амалий машғулот: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашда нанотехнологиялар турлари ва жиҳозлари билан таниниш

4- амалий машғулот: Нанотехнологияларнинг озиқ-овқат соҳасида қўллашнинг инсон саломатлигига таъсири ҳақидаги наноматериалларни таҳлил қилиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (loyiҳalар eчими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Мустақил таълим Кейс таҳлили	2,5 балл	1,0
2			1,5

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ “SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Намуна: Нанотехнологиялар қўлланилиш соҳалари учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Нанотехнологияларни қшланилиш соҳалари	Қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, парфюмерия саноати, элэктротехнология
W	Нанотехнологиялардан фойдаланишнинг устунлик томонлари.	Юқори самарадорликка эга эканлиги.
O	Нанотехнологиялардан фойдаланишнинг камчиликлари	Бир ёқламалиги
T	Нанотехнология услублари.	Наноматериал кўринишида, биологик фаол заррачалар ва дазаторлар кўринишида

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зааралари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил килиниши зарур бўлган кисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурӯҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурӣ ахборотлр билан тўлдирилади

Намуна:

ТЕХНОЛОГИЯ

Нанотехнология		Биотехнология		Одатий усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “**Полимарфизим объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тамойилларидан биридир**”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникуларни текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникулар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

- 1.нанотехнология ўлчами калит сўздан фойдаланилади?
- А. 10 нм. дан кичик
- Б. 5 нм. дан кичик
- Г. 10 нм. пан катта



Қиёсий таҳлил

- Нанотехнология қурилмаси фойдаланиш кўрсатгичларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- Инсон саломатлигига таъсирини изоҳланг...



Амалий қўнимка

- Қишлоқ хўжалигида нанотехнологияларни қўллаш учун керакли инструментал дастурий воситаларни ҳорнатинг?

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшим ча маълум от
Нанотехнология	Кичик ўлчамли заррачалар билан ишлаш технологиялари	
Наноматериал	Нанотехнологияда кўп қўлланиладиган кичик металлар.	
Фоод аллергис	Озиқа маҳсулотларини тўйимлилик хусусиятларини опширувчи моддалар.	
Нутриацион	Озуқа маҳсулотларини энергя миқдори ёки озуқавийлик қиймати	
Пестисидлар	Майда ҳашоратлар ёки кичик зарарли ҳайвонларни нобуд қилувчи кимёвий модда.	
Гербисиде	Бегона ўтларни нобуд қилувчи кимёвий моддалар.	
Токсинлар	Таркибида захарли моддалар сақловчи ёки захарланишга сабаб бўлувчи моддалар.	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Замонавий технологиялар турлари



“Блиц-үйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштиради ва групҳ аъзоларини ўз фикрлари билан групдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «групҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик групкалар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йигинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йигинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Нанотехнологияларни яратилиши ва қўллаш кетма-кетлигини
жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Нанотехнологияларни инсон саломатлигига таъсири					
Атроф мухит муҳофазасига таъсири					
Наноматериаллар ҳавсизлиги таминлаш					
Наноматериалларни танлаш					

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишида ҳам фойдаланиш мумкин.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Нанотехнологиялар ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Режа:

- 1.1. Нанотехнологиялар тўғрисидаги асосий тушунчалар.
- 1.2. Нанотехнологияларни қўлланилиш соҳалари.
- 1.3. Наноматериалларни қўлланилиш жараёни.

Таянч иборалар: нанотехнология, микроэлектроника, наноэлементларнанокатализатор, мультимедиа, ядро кучи, кўриши нуқтаси.

1.1. Нанотехнологиялар тўғрисидаги асосий тушунчалар.

XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техника соҳасида оламшумул ютуқларга эришилди, саноатлашишнинг янги босқичига қадам қўйилди. Ушбу даврда микроэлектроника жадаллик билан ривожланди. Фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг барча жабхасида ноёб қурилмалар яратилди. Охириги ўн йилликда эса муомаламизга “нано” атамаси кириб келди. Худди космик саёҳатлар ва интернет ўз вақтида қандай шовшувлар билан қарши олинган бўлса, мазкур тушунча ҳам оммавий ахборот воситаларининг эътиборини шударажада торта бошлади.

Нанотехнология замонавий технологияларнинг янги йўналиши бўлиб, мақсади қурилмалар ҳажмини максимал даражада кичрайтириш ва ишлаши учун энергия сарфини ўнлаб, айрим ҳолларда, ҳатто, юзлаб маротаба камайтиришдан иборатdir. Бу усул инсоният олдида кўндаланг турган бир қатор долзарб муаммолар, хусусан, глобал иқлим ўзгариши, углеводород ёқилғиси танқислигидан тортиб, бедаво касалликларни даволашгача бўлган кўплаб масалаларнинг ижобий ечимида олиб боради.

“Нано” сўзи “миллиарддан бир” деган маънони англатади. Масалан, 1 нанометр 1 метрдан миллиард марта кичик узунлик ҳисобланади (инсон сочидан $1/80000$ ёки қофоз қалинлигидан $1/100000$). Нанотехнологияга оид қурилмалар, асосан, 70-йилларда кашф қилинган бўлиб, ушбу янгилик нано технологик инқилобнинг бошланиши сифатида дунё олимлари



1-расм. Наносенсорларнинг синов жараёни

томонидан танлаб олинган.¹

Албатта, нанотехнологияни жорий этишдан асосий мақсад фақат қурилмалар ўлчамларини кичрайтириш эмас, балки уларнинг жуда тез ва аниқ ишлишини таъминлаш, материалларни, энергия ҳамда вақтни тежаш ҳамдир. Бундан ташқари, у илгари ўрганиш имкони бўлмаган янги жараёнлар, ҳодисаларни кашф қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги кунда нанотехнологиялар электроника, ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт, экология, энергетика, машинасозлик, самолётсозлик, космонавтика, табиий бойликларни излаб топиш ҳамда қазиб олиш каби соҳалар учун ноёб асбоблар ва қурилмаларни яратишда кенг қўлланилмоқда.

1.2 Нанотехнологияларни қўлланилиш соҳалари.

Нанотехнологиялар бугунги кунда электроника соҳасида-компьютерларнинг янги авлодлари, сигналларни қабул қилиш, узатиш ва акс эттириш қурилмалари, планеталар аро учираётган космик кемаларнинг ҳаракатларини бошқариш каби қатор ноёб ва замонавий тизимлар яратишда фойдаланилмоқда.

Тиббиёт соҳасида эса ривожланган давлатларда, шу жумладан, республикамизда ҳам сезиларли ютуқларга эришилаяпти. Айтайлик, юрак-

контомирларининг торайиб қолган қисмлари жарроҳлик йўли билан эмас, балки нано найчаларни ўрнатиш йўли орқали даволанмоқда.

Нейрохирургияга оид операцияларда, тўқималарни даволаш ва керак бўлса, уларнинг айrim қисмларини алмаштиришда ҳам нанотехнология ютуқларига мурожаат қилинаяпти.

Биласиз, иқтисодиёт ривожида нефть маҳсулотларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Аммо айни пайтдаги



2-расм. Тиббиётда нанотехнологияларни жорий қилиш

¹Jean C. Buzby Nanotechnology for food Applications; more question than answers. 2000. Р-1

мавжуд технологияларда “қораолтин”нинг қарийб 20 фоизини қайтаишланинг имкони йўқ. Шу боис сўнгги йилларда дунёning етакчи илмий тадқиқот институтларида бегона молекулани мутлақо ўтказиб юбормайдиган нанокатализаторлар устида изланишлар олиб борилаётир. Мазкур жараёнда кўзланган мақсадга эришилиб, янги турдаги ускуналар амалиётга жорий этилса, нефтнинг 100 фоизини қайта ишлаш имкони туғилади. Нанотехнологияларнинг амалий татбиғига оид бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Табиийки, анна шундай натижалар нано технология соҳасига қизиқиши ошириб, мазкур жавҳага жалб этилаётгани нвестициялар миқдорининг тез суратда ўсишига, нанотехнологиялар бозорининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш вазифасини ҳам долзарб қилиб қўймоқда.

1.3 Наноматериалларни қўлланилиш жараёни.

Етакчи давлатларнинг нанотехнологияни ривожлантириш ва уни тезлаштириш бўйича ўз концепцияси ҳамда стратегияси ишлаб чиқилган. Бундай стратегиялар олимлар ва саноатчилар ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда етук мутахассислар тайёрлашни назарда тутади. Бу борада АҚШ, Япония ва Европадаги қатор давлатлар фаол саъй-ҳаракатлар олиб боришаяпти.

Бугунги кунга келиб, дунё миқёсида нанотехнологияга оид минглаб турда маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва турли соҳаларда қўлланилаётир. Бунда йиллик соф фойдаҳажми 2 триллион АҚШ доллари атрофида эканлиги айтилади.

Ўзбекистонда ҳам нано фан ва нанотехнологиялар тараққиётига устувор вазифалардан бири сифатида эътибор каратиласкан. Бу борада мамлакатимизда маҳсус концепция яратилгани, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ушбу соҳага оид қатор фундаментал ва амалий тадқиқотлар лойиҳалари молиялаштирилаётганлиги сўзимизнинг исботидир.

Мамлакатимизда нанотехнология соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлатуниверситети, Фанлар академиясининг Ион плазма ва лазер технологиялари, Физика-техника, Материалшунослик, Ядро физикаси, Полимерлар кимёси ва физикаси институтларида изчил олиб борилмоқда. Айтиш керакки, қисқа вақт ичida ушбу соҳани ривожлантириш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди ва самарали натижаларга эришилди. Мисол учун, Тошкент давлат техника университетида олиб борилаётган илмий лойиҳалар асосида эпитаксия ва ион имплантация усуслари ёрдамида ноёб турдаги янги гетероэпитаксиал қатламлар, нанокристалл олиш ва уларнинг физикавий хоссаларини ўрганишга муваффақ бўлинди. Мазкур таълим даргоҳининг ўзида

нанотехнология соҳасида 4 та номзодликва 3 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Ноёб хусусиятли наноматериаллар олиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш нанотехнологиянинг долзарб вазифасидир. Янги юксак электрон технологияларда кремний асосий материал ҳисобланади. Айни шу жиҳатдан айтганда, республикамизда кремний ишлаб чиқариш йўлга кўйилгани диққатга сазовордир. Чунки кремний асосида ресурс тежамкор электрон қурилмалар, юқори самарадорликда ишлайдиган күёш элементларини яратиш мумкин.

Буларнинг барчаси истиқлол йилларида юртимида илм-фан равнақига қаратилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг амалий натижаларидир. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Биз яшаётган XXI аср интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиласидиган аср. Бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб етган, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилган ҳар қайси миллат ва давлатгина жаҳон тараққиёти йўлидан илгарилаши муқаррар”.

Нанотехнология Маҳсулотларни озиқ-овқат саноатида, ишлаб чиқаришда, қадоқлашда ва сифатли озиқ-овқат яратиш учун ишлатилади. Масалан, тадқиқотчилар майда материалларнинг маҳсус маҳсулотини хавфсиз овқат учун, деб истеъмолчиларни огоҳлантириш учун мўлжалланган озиқ-овқатларни яратиш устида иш олиб борилмоқда. Олимлар уларни илгари эришиш мумкин эмас деб ҳисоблашар еди. Бугунги кунга келиб эса озиқ-овқат, кичик ҳажмли наноматериаллар инсон ҳужайраларида кучли озуқа маҳсулотлари йитказиб бериш имкониятини беради деб ҳисоблашади. Бундан ташқари, олимлар наноматериаларни маълум зарарли моддаларни инсон организимига киришини олдини олишда блок сифатида ҳам фойдаланишмоқда. Бу жараёнда наноматериалар тананинг айrim қисмларида озиқ-овқат, зарарли холестерин ёки озиқ-овқат алергиясини олидини олади.

Назорат саволлари:

1. Халқ хўжалигида нанотехнологияларни кириб келиши ҳақида тушунчалар ҳақида нималар биласиз
2. Қишлоқ хўжалигида нанотехнологияларни қўлланилишининг таҳлил қилинг.
3. Қишлоқ хўжалигида нанотехнология материаллари ва усулларини таҳлилини баён этинг.
4. Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган нанотехнологияларни чиқиндисиз технологияларга боғлиқлигини ҳақида нияларни биласиз.
5. Қишлоқ хўжалигида нано технологияларни қўлланилишини экологик ҳолатга таъсири.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. M.C. Roco, Handbook on Nanoscience, Engineering and Technology, Taylor & Francis, 2015
2. R. Ullah and J. Dutta, Synthesis and optical properties of transition metal doped znoNanoparticles, IEEE Conference, 2014.
3. D.S. Cha and M.S. Chinnan, Biopolymer based antimicrobial packaging: Review, Crit. Rev.Food Sci. Nutr.. 2014
4. D.J. mcclements and E.A. Decker, Lipid oxidation in oil-in-water emulsions: Impact ofMolecular environment on chemical reactions in heterogeneous food systems, J. Food Sci.,
5. Derivatives, dichlorvos and phosphamidon in aqueous suspensions of titanium dioxide, Desalination, 2014

2-мавзу: Қишлоқ хўжалигида нанотехнологияларнинг жорий этилишнинг бугунги ҳолати

Режа:

- 2.1. Қишлоқ хўжалигида нанотехнологияларнинг жорий этилишнинг бугунги ҳолати.
- 2.2. Нанотехнологияларни қишлоқ хўжалигидаги қўлланиладиган соҳалари.
- 2.3. Наноматериалларни қўлланилиш жараёни.

Таянч иборалар: нанотехнология, микроэлектроника, наноэлементлар, полимер, капсулалаш, тупроқ инфексияси, протеаза.

2.1 Қишлоқ хўжалигида нанотехнологияларнинг жорий этилишнинг бугунги ҳолати

Бугунги кунда ҳаётимизга тезлик билан кириб келаётган нанотехнология тушунчаси жамиятимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, турмушимиз фаровонлигини ошириш, ҳаётимизда ўз ечимини кутаётган экологик, ижтимоий ва бошқа муаммоларни бартараф этишди. Чунки илм-фаннынг бундай кашфиётлари ноёб хусусиятларга эга янги мета-материаллар ва экстремал шароитларга чидамли наноматериаллар олиш ва уларни татбиқ этишга хизмат қиласи. Шу боис жаҳонда нанотехнологик тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва бу борадаги инновацион техноло-гиялардан ҳаётда кенг фойдаланишга эътибор тобора кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат кимё комиссияси чигитни капсулалаш технологияси ва "ЎҲИТАН" препаратини қўллашга рухсат берди. Патент ва "Уруғлар капсулаланган" деган товар белгиси олинди, препаратни пахтани тозалаш заводларида қўллашнинг техник қоидалари ишлаб чиқилди.²

Мураккаб кимёвий бирикмалар - полимерларни қар томонлама



3-расм. Нанозарраларни микроскоп ёрдамида ўрганиш

² Р. Ҳайдаров “Нанотехнологияларнинг катта имконияти” Ўзбекистон фанлар академияси ядро физика институти.

ўрганиш билан шуғулданаётган институтимиз бу борадаги вазифаларга мувофиқ улар асосида хусусиятлари олдиндан белгиланган мутлақо янги моддалар ва материалларни яратиш, замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш қамда мавжудларини такомиллаштириш устида ишламоқда. Тадқиқотлар мавзуси Ўбекистон иқтисодиёти тармоқларининг реал эктиёjlари, мамлакатимизда қаётга татбиқ этилаётган ресурс тежаш ва импорт ўрнини босиш сиёсати қисобга олинган қолда шакллантирилмоқда.

Полимерлар асосида ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситаларини синтез қилиш энг муҳим ва истиқболли юналишлардан биридир. Институтда уруғларни экишдан аввал капсулаш услуги ёрдамида тайёрлаш бўйича яратилган ноёб технология ушбу соқадаги илмий



4-расм. Лаборатория шароитида олинган наноматериал

тадқиқотлар натижаси ҳисобланади. Бу технология кўплаб кўрсаткичлар бўйича хориж технологияларидан тубдан фарқ қиласи. Масалан, маҳаллий хомашё - табиий шойи ишлаб чиқариш ва пахтани тозалаш саноати чиқиндиларидан фойдаланишга асосланган, нафақат иқтисодий жиқатдан самарали, балки экологик хавфсиз бўлган ушбу технология импорт ўрнини босади қамда катта экспорт салоҳиятига эгадир. Бундан ташқари, бошқа давлатлардаги

қамкасларимиз полимер моддасидан факат уруғлар учун қобиқ сифатида фойдаланмоқда. Биз эса ушбу масалага янада чукурроқ ёндашлик ва бунинг натижасида ҳосил бўлган бундай полимер капсула уруғларни нокулай об-ҳаво шароитларидан ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларни озиқлантириб, биологик фаоллигини оширади.

Табиий полимер сифатида хитин, уни олиш учун хомашё сифатида эса пилла қайта ишланганидан сўнг қоладиган ипак қурти ғумбаги танланди. Институт лабораториясида хитиндан хитозан ажратиб олинди ва унинг асосида чигитни дорилаб, уни экиш сифатини яхшилайдиган, тупроқ инфексиясига қарши самарали, атроф-мухит учун хавфсиз, маълум бир вақтдан сўнг ўз-ўзидан юқоладиган, яъни ўсимликлар учун экологик тоза қўшимча озуқа бўлиб хизмат қилувчи таркибий элементларга парчаланадиган "ЎХИТАН" препарати яратилди. Институт ҳузурида ташкил этилган махсус тажриба сехида қолган чиқиндилардан хитозиндан ташқари қиматбақо ғумбак ёғи, шунингдек, чорва моллари учун ажойиб озуқа қўшимчаси қисбланган соф оқсил ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Уруғларни экишдан олдин тайёрлаш бўйича ушбу технологиядан фойдаланиш қисобидан чигитни қайта экиш, ғўзани яганалаш, турли касалликлардан даволашга ҳожат қолмайди.

2.2 Нанотехнологияларни қишлоқ хўжалигидаги қўлланилдиган соҳалари.

Шунинг учун мамлакатимизда капсулаланган чигит экилаётган майдонлар йилдан-йилга қўпаймоқда. Нанотехнологиялар - инновациянинг муҳим омили илм-фан ва инновацион тараққиётнинг муқим кўриниши бўлган нанотехнологиялар хаётимизга чукур кириб келмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқин йиллар ичida замонавий фаннинг кўпгина бўлимлари "нано" қўшимчаси билан айтиладиган бўлади

Масалан, компьютер технологиялари соҳасида олиб борилаётган изланишлар натижасида квант информатикаси фани юзага келди. Ушбу соҳа наноўлчамли процессорларга эга бўлган квант компьютерларини яратиш ва улар учун дастурлар ишлаб чиқиши Ў ичига олади. Квант компьютерларида бир бирлик ахборотни ёзиш учун битта ёки бир нечта атомдан фойдаланилади. Биз фойдаланаётган ҳозирги замон

компьютерларида бу жараённи бажариш учун эса бир неча миллиард атом сарфланади. Демак, квант компьютерларида ҳисоблаш жараёнида ўз-ўзидан ўта юқори тезлик, ихчамлик ва самарадорлик ошади.

Нанотехнологиялардан тиббиёт ҳоҳасида фойдаланиш қам муҳим кашфиётларга йўл очмоқда. Шу кунларда жаҳондаги йетакчи бўлган илм-фан марказларида нам бу йўналишда яратилган дори капсулалари ва шприцлар синовдан ўтказилмоқда.



**5-расм. Аграр соҳада нанотехнологияларнинг
қўлланилиши**

Дори нанокапсуларининг афзаллиги шундаки, улар тананинг соғлом қисмига салбий таъсир кўрсатмай, факат касалланган қучайрага етиб боради.

Нанотехнологик ишланмалар ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларига кенг татбиқ этилмоқда. Кўпгина ривожланган давлатларда маҳсулот сифатини яхшилаш учун наноматериаллар қўлланилмоқда. Масалан,

микробга қарши воситаларда ўз-ўзидан тозаланадиган матолар айнан наноматериаллар асосида яратилмоқда.

Шунингдек протезлар тайёрлашда унинг бирикиш жойларини наноўлчамли кумуш зарралар билан қопқлаш йўлга қўйилмоқда. Бу бактериялардан ҳимоя қилишда ёрдам беради. анотехнологияларнинг ривожланиши келгусида тиббиётни янада тарақкий эттиришга хизмат қиласди. Натижада касалликларнинг клиник симптомларини юзага чиқишдан олдин аниқлаш ва уни илк босқичлардаёқ безарад усууллар воситасида даволаш имконияти вужудга келади.

Нанотехнологияларнинг ривожланиши муқобил энергиядан фойдаланиш истиқболи учун ҳам муҳим асос бўлади. Наноматериаллар асосида яратилган электр энергияси ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг самарадорлиги амалдагиларидан бир неча баробар ўсади.

Нанотехнология соҳасида мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларининг олиб бораётган илмий тадқиқотлари ҳам юксак натижалар бермоқда. Жаҳон илм-фанининг бундай ихтиrolарининг ютуқларини чукур ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этишда мамлакатимиз илм-фан марказларида қам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлимида ўтган асрнинг 90-йилларида нанофизика соқасида дастлабки илмий тадқиқотлар бошланган эди. Бу жабҳада олиб борилган илмий изланишлар натижасида наноматериаллар ёрдамида нурланувчи диодлар яратилди. Мустақиллик йилларида бу даргоҳда наноматериалларнинг хусусиятларини ўрганувчи таркибий акслантиришлар илмий тадқиқот маркази ташкил этилди. Ушбу марказ Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган ёритиладиган электрон микроскоп билан жиқозланди. Бу эса мутахассисларимизга наноматериаллар тасвирини олиш ва уларда кечаётган жараёнларни кузатиш имкониятини яратди.

Бундан қарийб ўн йил аввал ташкил этилган истиқболли тадқиқотлар лабораторияси бу жабҳадаги илмий ишларни янада жадаллаштириш имконини берди. Айни пайтда олимларимиз нанофизиканинг қатор долзарб масалалари юзасидан кенг кўламли илмий изланишларни қаётга татбиқ этмоқда. Водород энергетикасининг олдида турган долзарб муаммолар, водород моддасини сув ёки бошқа суюқлик молекулалари орасида юзага келувчи наноқопқонларда сақлаш, нанотармоқлардан фойдаланишга асосланган термоэлектрик наноматериаллар яратиш, ахборот йитказиши самарадорлиги ўта юқори наноўлчамли мезоскопик системаларга асосланган тармоқлар яратишга оид илмий лойиқалар шулар жумласидандир.

Бу йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар қисқа даврда амалий натижада бераётгани кувонарлидир. Нанотузилишли суюқлик асосида яратилган иссиқлик узаткич, қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига қарши курашиш воситаси, синтез қилинган

нурланувчи диодлар ана шундай муқим кашфиётлар сирасига киради.

2.3 Наноматериалларни қўлланилиш жараёни.

Бутунги кунда нанотехнологиялар ва уларнинг елементлари озиқовқат саноатида ҳам саноат нуқтаи назаридан ҳам истемолчилар фойдасини қўзлаган ҳолатда арzon ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда³

Илмий тадқиқот муассасалари олимлари бу борада яратилган шароитдан оқилона фойдаланиб, фундаментал, Тамалий ва инновацион лойиқалар натижасини кенг намойиш этмоқда. Бундай тадбирлар нанотехнология соҳасидаги кашфиёт ва ихтиrolарни ишлаб чиқаришга жорий этишда қам муқим ақамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиқалар ярмаркаларида бўлимимиз олимлари томонидан яратилган ўн бешга яқин ишланма намойиш Метилди ва улар ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиши уйғотди. озирги кунда нанотузилишли суюқлик асосида яратилган иссиқлик ўзаткичлар қуёш энергиясидан фойдаланиб, иссиқ сув ишлаб чиқариш коллекторлари чиқарадиган корхоналарда кенг қўлланилмоқда

Иссиқлик физикаси бўлими олимлари томонидан тавсия этилган иссиқлик узаткичлар мақаллий шароитга мослиги, чет элдаги аналогларидан арzonлиги ва сифатлилиги билан ажralиб туради. Институт олимлари яратган янги восита совуқда ва жазирама иссиқда қам ўз хусусиятини ўзгартирмайди, ундан узоқ вақт фойдаланиш мумкин. Шу боис Республикамизда ишлаб чиқарилаётган қуёш энергияси асосида иссиқ сув ишлаб чиқарадиган қурилмаларнинг сифати яхшиланиб, харидоргирлиги ошиб бормоқда. Бундай қурилмаларимиздан кўплаб бино ва иншоотларни иситиш қамда совуқ сув билан таъминлашда кенг фойдаланилмоқда. Олимларнинг қишлоқ хўжалик заараркунандаларига қарши курашишда фойдаланиладиган янги воситаси ҳам соҳа мутахассисларида катта қизиқиши уйғотмоқда. Яна бир муҳим ихтиро - кўп функцияли диагностика мажмуаси соғлиқни саклаш соқаси мутахассисларининг алоқида эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу борадаги ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда поятьхтимиздаги "Супрамед" ва "Ўтибтехника" корхоналари билан яқиндан қамкорлик қилинмоқда.

Глобаллашув ва жақон бозорида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда милллий иқтисодиёт самарадорлиги кўп жиқатдан ишлаб чиқаришда замонавий илм-фаннинг илгор технологиялари ҳамда инновация ютуқларидан фойдаланишга боғлиқдир. Бу мамлакатимиз реал иқтисодиётининг қишлоқ хўжалик ва пахтачилик комплекси каби муҳим тармоғига ҳам тааллуқлидир.

³ Caroline E. Handfrond Nanotechnology in the Agri-food industry on the island of Ireland: applications, opportunities and challenges 2014 may. 34-р.

Назорат саволлари:

1. Нанотехнологиялар бўйича Республикаизда ўтказилаётган ислоҳатлар.
2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб олинадиган маҳсулотларга нанотехнологияларни қўллашда маҳсулот сифат кўрсаткичларига таъсири.
3. Нанотехнологияларни қишлоқ хўжалигидаги қўлланиладиган соҳалари
4. Қишлоқ хўжалигига қўлланиладиган нанотехнологияларни чиқиндисиз технологияларга боғлиқлигини ўрганиш.
5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашда нанотехнологияларни қўллашни маҳсулот биологик қийматига боғлиқлиги;

Фойдаланилган адабиётлар:

1. M.C. Roco, Handbook on Nanoscience, Engineering and Technology,
2. D.J. McClements and E.A. Decker, Lipid oxidation in oil-in-water emulsions: Impact of molecular environment on chemical reactions in heterogeneous food systems, J. Food Sci., 65(2000) 2014
3. D. Charych, Q. Cheng, A. Reichert, G. Uziemko, N. Stroh, J. Nagy, W. Spevak and R. Stevens, A `litmus test` for molecular recognition using artificial membranes, Chem. Biol., 2015
4. M.A. Rahman and M. Munir, Photocatalysed degradation of two selected pesticideDerivatives, dichlorvos and phosphamidon in aqueous suspensions of titanium dioxide, Desalination, 2014

З-мавзу: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашда нанотехнологиялар

Режа:

- 3.1 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашда нанотехнологиялар.
- 3.2 Нанотехнологияларни қишлоқ хўжалигидаги қўлланиладиган соҳалари.
- 3.3 Наноматериалларни қўлланилиш жараёни.

Таянч иборалар: қишлоқ хўжалиги нанотехнология, микроэлектроника, фотосинтез наноэлементлар, биофаол компонентлар, микроорганизмлар

3.1 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашда нанотехнологиялар .

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, қадоқлаш жарайонларида қўлланиладиган нанотехнологиялар соҳани тайзор маҳсулот сифат кўрсаткичларини ошириш билан бирга маҳсулот таннархини камайишига ҳам хисса қўшмоқда. Нанотехнология асосий қишлоқ хўжалигига фойдаланиш наноматериалар ва нанотехнология



6-расм. Мевачиликда нанотехнологияларни қўллаш

қишлоқ хўжалиги деярли барча соҳаларида қўлланмоқда. Бунда наноматериаллар ишлаб чиқариш, чорвачилик, паррандачилик, деққончилик, балиқчилик, ветеринария, қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришда ва бошқа соҳаларда бугунги кунда жуда кенг кўламларда қўлланилмоқда.

Бунда ўғитлар сифатида экинларга ишлов бериш нанопрепаратлардан фойдаланиш, ноқулай об-қаво шароити учун такомиллаштирилган шароитларяратади ва уларда экин ҳосилдорликни ошириш (ўртacha 1,5-2 марта), озиқ-овқат (картошка, дон, сабзавот, мева) ва техник (пахта,) зиғирларга ҳамп таъсир кўрсатади. Уларни таъсири бу ерда нано зарралар ва нейтрал электрон заррачалар орқали, уларнинг ҳолати ҳисобидан маҳсулотларга микроэлементлар таъсири орқали эришилади.

Бундан ташқари, ўсимликларда фотосинтезни тезлаштириш учун наноматериал ижобий таъсир этиши жумладан самарадорлигини ошириш кутилмоқда.

Нанотехнологиянинг сўнгги кашфиётлари ёруғлик орқали тирик организмларнинг ичига кремний ва органик, ноорганик турли моддалар, биологик фаоллиги оширади.

Хусусан, уларни шаклланиши ва таркибида кремний (Si) бўлади, қайси силатране, инсон учун микроорганизмлардан бошлаб танлаб олган объектнинг ривожланишининг барча босқичларида тирик организмлар бўйича физиологик тасири бўлади. Аммо лекин ишлаб чиқаришда органосиликон биостимуляторлардан фойдаланиш совукқа чидамлилигини ошириш, иссиқлик учун иммунитетини ва қурғоқчилик, об-хавонинг турли вазиятларга чидамлилигига ёрдам беради, бундан ташқари касалликлар ва зааркунандалардан ҳимоясини мустаҳкамлайди. Дори комплекс даволаш билан депресан, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича кимёвий реагентлар тасири этирилади.

Нанотехнология назорат мухитда олма, кунгабоқар, тамаки ва картошка, сақлаш, қайта ишлаш, ҳаво озонли мухит билан ишлов берилади.

Чорвачилик ва паррандачилиқда нанотехнологиядарни қўллашни мукаммалликни келтириб чиқаради ва уларни қаерда ишлаб чиқариш мумкунлиги ва замонавий технологик жараёнлардан фойдаланиш учун тавсия берилади Нанотехнология термини-буғунги кунда кенг қўлланиладиган термин бўлиб, у термин бўйича турли хил фикрлар мавжуд. Бу эса ўз навбатида истимолчиларни чалғитишларга олиб келади.

Нано технология ўта кичик ўлчамдаги моддалар тизимидан тузилган бўлиб, инсон англай олмайдиган заррачалар ҳақида гап боради.

Яъни улар ўлчамлари ҳақида гапирадиган бўлсак 1 нанометр 1 метрни миллиард қисмига тўғри келади. Нанотехнологияларда ўлчамни 100 нанометригача бўлган тизими кўпроқ қўлланилади. Буни таққослаш учун инсон сочини қалинлиги 100 000 нанометрга teng.

Хулоса қилиб айтганда, моддаларнинг наноўлчамлари шунчалик кичики бу технологияда илмийтадқиқотлар олиб бориш ёки ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш учун, ўта кучли замоновий технологиялар яъни, электрон ўзаткичлар, сканирлар, қувурли микроскоплар ва бошқалар талаб этилади.

Шу сабабли бугун олимлар томонидан мураккаб тизими механизmlар ва жараёнлари яратилмоқда. Бундай механизmlар ва жараёнлар ёрдамида олимлар микроскопик кичик ўлчамдаги тизимларни атом ва молекулаларгача, янги моддалар ва улар материалларини яратиша қўллаш ўрганилмоқда.

1.2 Нанотехнологияларни қишлоқ хўжалигидаги қўлланиладиган соҳалари.

